

**КОРХОНАЛАРДА МЕХНАТ
МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Р е ж а :

1. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳамияти.
2. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил қилишнинг меъёрий асослари.
3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил қилиш.

Қорхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари

- **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун. 2016 й.**
- **“Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги Намунавий низом. 1996 йил 14 августда 273-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.**
- **“Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишни ташкил этиш ва билимини текшириш тўғрисида”ги Намунавий низом. 1996 йил 14 августда 272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.**
- **“Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида”ги Низом. 1995 йил 18 декабрда 196 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш шarti келтирилган.
- Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.
- Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Корхоналарда меҳнат муҳофазаси хизматини ташкил этиш

- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг **14-моддаси** корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этишга бағишланган.
- Қонуннинг шу моддасига биноан Вазирликлар, идоралар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган **Низомга** мувофиқ **меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб** борадилар.

- Ходимлар сони **50 нафар** ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан **меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари** тузилади (лавозимлар жорий этилади),
- **50** ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари** тузилади (лавозимлар жорий этилади).
- Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда **меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш** раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади

КОРХОНА

меҳнатни муҳофаза қилиш

ва

йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари

касаба уюшмаси кўмитаси билан

келишилган низомлар асосида

ишлайди ва ўз мақомига кўра

корхонанинг асосий хизматларига

тенглаштирилади

ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари:

- корxonанинг барча ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш,
- тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш,
- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш,
- ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

- Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг **хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга** жалб этилишлари мумкин эмас.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари **корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина** тугатилади.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларини (меҳнат муҳофазаси инженерини) **ишга тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш** корхона раҳбарининг буйруғи асосида бўлади.
- Бу хизмат лавозимларига ходимлар корxonанинг қарори ва юқори органларнинг розилиги билан **олий маълумотга эга бўлган шахслар** орасидан тайинланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг умумий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрларнинг барча ишчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари мутахассислари структуравий бўлимларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш;
- меҳнат муҳофазаси қонунларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхона раҳбарига билдиришнома тақдим этиш;
- корхона ва ташкилотларда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини ташкил этиш бўйича ишнинг шакли ва методларини такомиллаштириш, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларга амал қилиш устидан методик раҳбарликни ва назоратни амалга ошириш;


- ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш чора тадбирларини, бошқа бўлимлар билан биргаликда ишлаб чиқади, шунингдек кўрсатилган чора – тадбирларни жорий этишни ташкил этади;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тугалланган илмий – тадқиқотларга ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан хулосалар беради ва уларни жорий этиш бўйича чора – тадбирлар ташкил этади;
- корxonани меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди ва ҳужжатлар талабларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ишчилардан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига тушган хатларни ва аризаларни ўрнатилган тартибга асосан кўриб чиқади ва ўз ваколати доирасида уларнинг ечимини амалга оширади;

- фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш лойиҳаларида кўзда тутилган меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарорларни кўриб чиқишда лойиҳалар экспертизаси хизмати билан биргаликда қатнашади;
- раҳбар ва инженер – техник ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш ишларини ташкил этади;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маълумот ва ўқув материалларини, таклифлар, хулосалар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Мехнатни мухофаза килиш бурчаги



“Замоавий кўрнишдаги меҳнат муҳофазаси хонасининг лойихаси



1. Texnika xavfsizligi bo'yicha stand.
2. Mehnat muxofazasiga doir ko'rgazmali qurollarni saqlash uchun maxsus qutilar.
3. Mehnat muxofazasi bo'yicha yo'riqnomadan o'tuvchi ishchi-xodimlar uchun stol stullar.
4. Favqulodda vaziyatlardan muxofazalanish va tug'ri harakat qilish bo'yicha ko'rgazmali stand.
5. Yong'in xavfsizligini ta'minlash uchun ko'rgazmali stand.
6. Shaxsiy himoya vositalari saqlanadigan ko'rgazmali stol.
7. Elektr xavfsizligi bo'yicha asbob uskunalaridan foydalanish o'rganiladigan maydoncha.
8. Ko'rgazmali qurollardan foydalanib mashg'ulot o'tish uchun taglik.
9. Birinchi tibbiy yordam ko'rsatish qoidalarini o'rganish maydonchasi.

«Агрегат заводи» ОАЖ меҳнат муҳофазаси хонаси




Замонавий куринишдаги меҳнат муҳофазаси хонаси



Замонавий куринишдаги меҳнат ва фуқаро муҳофазаси хонаси



Замонавий куринишдаги меҳнат ва фуқаро муҳофазаси хонаси



Замонавий курилишдаги меҳнат муҳофазаси бурчаклари



Назорат саволлари

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш нима?
2. Корхона ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қанақа ҳуқуқларга эгалар?
3. Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларига қанақа ҳужжатлар киради?
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этишга қайси қонуннинг нечанчи моддаси бағишланган?
5. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этишнинг қанақа шартлари бор?
6. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг умумий вазифаларига нималар киради?

Эътиборингиз учун раҳмат!